

DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE IN NEW VOCATIONAL EDUCATION

G. T. Boymurodova

Associate Professor, Pedagogical innovations, vocational education management as well as retraining and retraining of teaching staff Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Department of Personnel Management, Institute of Advanced Training

Annotation:

The article discusses the new system of vocational education and the educational process, the training of highly qualified specialists who are competitive in the labor market, the priorities and stages of the formation of vocational and cognitive competencies.

Key words: vocational education, vocational and cognitive competence, new stages of vocational education, qualified specialists, strategic goals, professional standards.

Республикамизда малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида касб-хунар таълими соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, мутлоқо профессионал таълим тизими жорий этилди. Профессional таълим тизимида кадрлар тайёрлашда жаҳон меҳнат бозорида муваффақиятли рақобатбардош юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифа этиб белгиланди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз”. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарор қабул қилиниб, мазкур қарор билан Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизимитўғрисидаги низом тасдиқланди. Бу жараён биринчи навбатда касбий ҳамда шахсий (когнетив) компетенцияларини ўзаро уйғунликда такомиллаштириб боришда назарий ва амалий фаолият асосида иш олиб бориш зарурлиги кўрсатмоқда.

Малака тизими ривожланган давлатларда синовдан ўтган, меҳнат бозори, профессионал таълим, касбга ўқитиш ва ўргатиш тизимининг уйғунлашуви сифатида муваффақият қозонган. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам жорий йилдан бошлаб илк бор миллий ва тармоқ ихтисослашув тизими, касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандарти ва дастурлари жорий этилмоқда.

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида Миллий малака тизимини ишлаб чиқиш, юртимизда 339 та касб-хунар мактаби, 201 та коллеж ва 185 та техникум ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Профессional таълим мутахассислари битирувчиларини давр талаби асосида билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда касбий компетенция муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, компетенция сўзининг 16 хил маъноларини экспертлар томонидан қайд этилган тушунчалар келтириб ўтилган. Натижада, компетенция бу — билимлар, кўникмалар, малакалар, сабаб омиллари, шахсий сифатлар, мақсадли вазиятларнинг умумий уйғунлиги бўлиб, қайсиқим аниқ ташкилот, аниқ гуруҳ, аниқ иш жойида аниқ ишлаб чиқариш жамоаси ижрочиларининг самарали ечимларини таъминлаб беради деб таъкидланган.

Демак, узлуксиз таълим тизимида касбий компетенцияни такомиллаштириш масаласи айнан янги профессионал таълим тизими учун алоҳида характерга эга. Чунки, янги профессионал таълим тизимида ўзлаштирилган ва ўзлаштирилиши лозим бўлган кўникма ва малакалар тўғридан тўғри амалиётга жорий этишга шарт-шароитлар мавжуд, яъни бўлажак мутахассис ўқув жараёнида, иш жойида ва ўз фаолиятида амалиётга қўллашга кенг имконият яратилган.

Профессионал таълимда ҳар бир мутахассиснинг ўз фаолиятини янада такомиллаштиришда ўз устида мунтазам иш олиб бориши ҳамда инновацион жараёнлардан хабардорлиги замонавий иш жараёнини ташкил этига асос бўлади. Бу фаолиятлар замирида когнитив компетенцияни шакллантириш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Когнитив сўзи инглизча (лотин) "cognize" сўздан олинган бўлиб, у билмоқ, англамоқ, тушунмоқ ва фикрламоқ ёки "cognition" – билиш, тушиниш каби маъноларни беради. Ўз ўрнида билиш фаолияти инсоннинг воқеликни бевосита сезиши, ҳис этиши билан боғлиқ ҳодиса эканлиги келтириб ўтилган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, касбий компетенцияга қуйидагича таърифни келтириб ўтмоқчимиз: **Компетенция – мутахассиснинг касбий фаолиятда юқори натижага эришиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мақсадли касбий фаолиятга қўллай олишидир.**

Касбий – когнитив компетентликка эга мутахассис:

- **Стратегик мақсадларни амалга ошира олиш** - бунда давр талабини чуқур англай олган мутахассисгина мақсад ва вазифаларни ўз олига тўғри қўя олади.
- **Ҳар қандай вазиятда йўл топа олиш** – ҳар бир мутахассис ўз-ўзини узлуксиз изчил ривожлаштириши ва инновацион фаолиятга эга бўлиши лозим.
- **Эҳтиёжларни аниқлаш ва бартараф этиш** – жаҳон ва маҳаллий меҳнат бозаридан хабардорлик ҳамда иқтисод қила олиш малакасига эга бўлиши керак.
- **Ижтимоий-иқтисодий тафакур юрита олиш** – ҳудудий шарт-шароитдан келиб чиқиб аҳолининг ижтимоий –иқтисодий аҳволини яхшилашга (камбағалчилик) тугатишга ўз ҳиссасини қўшиш.

Ушбу касбий –когнитив компетентликка эга мутахассисларини шакллантиришда янги профессионал таълим тизимида қуйидаги босқичларни амалга ошириш лозим:

I - босқич ўргатиш- профессионал таълим тизими жараёнида амалга оширилади. Профессионал таълим тизимида тайёрланаётган ҳар бир мутахассис WS стандарти талаблари асосида таълим жараёни амалга оширишса, бўлажак мутахассисда жаҳон меҳнат бозори талабига мос касбий компетенлик шаклланади.

II - босқич ўрганади- профессионал таълим тизими жараёнида ҳар бир ўрганувчи ўз мутахассислигини ижтимоий аҳамияти, ўрни, иш жойи ва ўз фаолиятига эгаллик ҳамда маҳаллий ва жаҳон бозорига мос касбий компетенцияга эга бўлади.

III - босқич даромад, фойда олиш – иш жойига эга бўлган мутахассис даромад олишни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида меҳнат бозарида иш ўрнини яратади. Бу эса, жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичини янада ривожлантиради.

IV- босқич мулкдор сифатида - ҳалқаро меҳнат бозорини ўрганиш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда ички ва ташқи бозорда экспортни йўлга қўяди.

Демак, бугунги кунда янги профессионал таълим тизимида стратегик мақсадлар асосида касбий компетенликни ривожлантиришни устивор вазифа этиб белгилашимиз зарур. Бунда профессионал таълим муассасалари бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш



ва уларнинг малакасини ошириш институти таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилишга эҳтиёж мавжуд. Шу нуқтаи назардан касбий компетентликни узлуксизлигини ва изчиллигини, илмий тадқиқот ишларини сифати ва самарадорлигини таъминлашда замонавий ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши муҳим аҳамияга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарор/
3. Арслонов. Когнитив тилшунослик ҳақида қисқача луғат. 2012 й.